

Жума куни ғусл қилишга тарғиб



04:39 / 16 август 3374

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الغسل يوم الجمعة طهور للناس لا طهارة الا بالجمعة». يعني ان الغسل يوم الجمعة هو طهارة للناس.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жума кундаги ғусл соч тукларининг тагидаги гуноҳларни ҳам суғуриб олади», - дедилар».

Табароний ривоят қилган.

ان ابي بن ابي رافع قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «الغسل يوم الجمعة طهور للناس لا طهارة الا بالجمعة». يعني ان الغسل يوم الجمعة هو طهارة للناس.

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Отам уйимга жума куни келдилар. Мен ғусл қилаётган эдим. «Жунубликдан ғусл қилипсанми ёки жума учунми?» - деб сўрадилар. «Жунубликдан», - дедим. «Ундай бўлса, қайтиб яна ғусл қилгин, мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитдим: «Кимки жума куни ғусл қилса,

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қили-нади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон бирортангиз жумага келса, ғусл қилсин», – де-дилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

هُوَ أَوْرَ . «مَلَتْ حُمْرُكَ يَلَعُ بَجَاوَةَ عُمْرُكَ لِمَوْيِ لِسُغْلَا» : لَأَقِ بِي بِنَلَانِ ، دِي عَسَ يَبْأَنْعَ مَلْسُومٌ .

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жума кунининг ғусли ҳар бир эҳтилом бўлувчига во-жибдир», – дедилар».

Муслим ривоят қилган.

يَفَلَسَتْ عِي نَأَقِحَ مَلْسُومٌ لُكْ يَلَعُ يَلَعَتِ لَلْ « : لَأَقِ بِي بِنَلَانِ ، عَرِيْرُهُ يَبْأَنْعَ هُطْفَلَوُ ، يَأْسِنَلْ أَوْ مَلْسُومٌ هَاوْرَ . «هُدَسَجَ وَهَسْأَرْهِي فُلْسُغِي أَمْوِي مَائِي أَعْبَسَ لُكْ : «هُدَسَجَ لَأَمْوِي وَهَوِي لِسُغْلَا مَائِي أَعْبَسَ لُكْ يَفِي مَلْسُومٌ لُجَرُّ لُكْ يَلَعُ .

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қили-нади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло учун ҳар бир мусулмонга етти кунда бир марта ғусл қилмоқ вожибдир», – дедилар».

Муслим ва Насоий ривоят қилишган.

Насоийнинг лафзида:

«Ҳар бир мусулмон одамга етти кунда бир марта ғусл қилмоқ вожибдир. У кун жума куни-дир», – дейилган.

لَسَتْ غَلَانَمَوُ ، تَمَعْنَوُ أَوْ بَفِ عُمْرُكَ لِمَوْيِ أَضَوْتِ نَمَ « : لَأَقِ بِي بِنَلَانِ ، عَرْمَسُ نَعِ دُوَادُ وَبَأْ هَاوْرَ . «لَضْفَأُ لِسُغْلَا ف

Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жума куни таҳорат қилса, суннатдир ва қандай ҳам яхши. Ким ғусл қилса, ғусл афзалдир», – дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.